

Ўзбек шўро шеърияти ва насрининг танилган вакилларида Мирмухсин Мирсаидов 1921 йили Тошкентнинг Кўргонтеги махалласида, кулол оиласида дунёга келди. Ўрта мактабни тугатиб, 1933 йили Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида шоир Шухрат, Шукруллолар билан бирга ўқиди.

«Испан йигити», «Шералининг мардлиги», «Олов болалар» каби хикоялари (1936), «Камар» (1939) достони адиб ижодининг илк меваси сифатида ахамиятли.

Мирмухсин институтни тугатгач, (1941) ўрта мактабда, радио, рўзнома ва ойномаларда ишлаб келди. Улуг Ватан уруши йилларида халкимизнинг қахрамонлиги адабиётнинг бош мавзуси эди. Шоирнинг «Панфиловчи» шеъри, «Ер юрак» (1942) тўплами ўша давр махсулидир. Шоир ижодининг камолоти Улуг Ватан урушидан сўнгги даврга тўғри келади. «Вафо» (1950), «Ирмоқлар» (1961), «Калб ва фалсафа» (1963) сингари тўплам ва балладаларида, «Зиёд ва Адиба» (1958) шеърий романида замонамиз кишиларининг маънавий кийфаси, Ватанга бўлган муносабатлари бош мавзудир.

Шоирнинг «Уста Гиёс», «Дўнан» (1947), «Яшил киш», «Кадрдонлар» (1954) поемаларида ўзбек дехконларининг мардонавор меҳнати улугланади. Адибнинг «Дорбозлар» (1956) хикоясида ўзбек миллий характери анъанавий санъати жозибадор ифодаланса, «Жамила» (1957) кийсаси адабиётимиздаги хотин-киз қахрамонлар галлерейасини бойитди. «Хикоялар» (1959), «Кизил дурралар» (1961), «Созанда» (1963) китобларининг тематик доираси кенг бўлиб, воқеалар реалистик бўёқларда берилган.

Унинг «Ок мармар» (1958), «Чўри» (1959), «Тунги чакмоқлар» (1964) повестлари у шоиргина эмас, мохир носир эканлигини ҳам намойиш этди. Шунингдек, Мирмухсин 60-70-йилларда турли мавзуларга бағишланган йирик полотнолар яратди. «Чиникиш» (1970), «Умид» (1969) «Дегрез ўғли» (1972) романлари шулар жумласидандир.

Асрлар оша яшаб келган тарихий ёдгорликлар ва улар ижодкорларининг адабий барҳаётлигини тасвирловчи «Меъмор» (1974) романи кенг жамоатчилик томонидан мамнуният билан кутиб олинди.

Мирмухсин 80-йилларда ҳам баракали ижод қилди. Бу даврда унинг «Чодирли аёл», «Чоткол йўлбарси», «илдизлар ва япроқлар», «Темур Малик», «Илон ўчи», «Мовароуннахр» каби катор асарлари ўқувчилар қўлига етиб борди.

Мирмухсин 300 дан ортиқ насрий ва назмий китоблар муаллифидир. Унинг асарлари турли тилларга таржима қилинган. Алоҳида китоблари Россия, Украинада, қўшни республикаларда? Миср ва Англияда нашр қилинган.

Мирмухсин Пушкин ва Лермонтов асарлари таржимонларидан бири. У 1974 йилда «Умид» романи учун Хамза номидаги Республика Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,

Ўзбекистон халк маорифи аълочиси Мирмухсин ҳукуматнинг бир катор орден ва медаллари билан тақдирланган.

Мирмухсин «Гулистон» ойнамасига муҳаррирлик қилиш билан бирга асарлар устида кизгин иш олиб бормоқда.